



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI
BO'STON TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Andijon viloyati Bo'ston tumani Mustaqillik ko'chasi 51-uy

2021 - yil 22 - noyabr

52-1-19-Q/21

Bo'ston tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги
ПҚ-5233-сонли қарори тўғрисида**

Тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган масалалар ижросини, шунингдек хорижий ҳамда маҳаллий инвесторлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги ПҚ-5233-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5233-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарorigа мувофиқ Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш

вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 1 октябрдан бошлаб инвесторнинг қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган, унинг ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларини (кейинги ўринларда — қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳалари) зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши тўғрисидаги таклифига розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳалари доирасида ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишлари бўйича:

а) молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгиланиши:

кириш автомобиль йўллари, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларининг 90 фоизи бўйича — Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари, 10 фоизи бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари;

электр энергияси ва газ тармоғини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — республика бюджети маблағлари ҳисобидан таъминотчи корхоналарга 5 фоиз ставкада уч йил муддатда қайтариш шarti билан ажратиладиган бюджет ссудаси маблағлари;

алоқа тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — таъминотчи корхоналар ва тадбиркорларнинг ўз маблағлари;

б) қуйидагилар:

ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — “Сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” унитар корхонаси;

кириш автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси, Тошкент шаҳрида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи

хизмати” инжиниринг компанияси;

электр энергияси билан таъминлаш ишлари бўйича — “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг худудий филиаллари;

табiiй газ етказиб бериш ишлари бўйича — “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖнинг худудий филиаллари;

алоқа тармоқларини етказиб бериш ишлари бўйича — “Ўзбектелеком” АК ва унинг худудий ташкилотлари буюртмачи этиб белгиланиши инобатга олинсин.

4. Қуйидагилар:

а) 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳалари доирасида:

бюджет ссудаси маблағлари электр энергияси тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖларга, табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖларга ажратилиши;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари ҳузуридаги автомобиль йўлларини ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан амалга ошириш тартиби ўрнатилганлиги;

б) Мазкур қарор техник-иқтисодий асосларига кўра инвесторларнинг ўз маблағлари ҳисобидан муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ўзини оқламайдиган инвестиция лойиҳаларига татбиқ этилиши белгиланганлиги;

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари В.Солиев, туман ҳокимининг ўринбосарлари А.Хошимов, Ф.Собиров, масъул бўлимлар ва ташкилотлар, мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб ўрнатилган тартибда иш ташкил қилинишини ва белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

6. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул

бўлимлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари В.Солиев, ҳоким ўринбосари Ф.Собиров зиммасига юклансин.

Бўстон тумани ҳокими



Nosirova S. A.